

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил май ойининг 8 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг ўз биносидаги очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

ҳайъат судьялари: О.Мирсадиков ва Р.Зариповдан иборат таркибда, И.Тўхтауновнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев, ҳимоячи З.Мадаминининг иштирокида, Н.Ҳакимов ва бошқаларга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси З.Мадаминининг тафтиш тартибидаги шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### аниқлади:

Жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2016 йил 23 августдаги ҳукмига кўра,

1985 йил 21 январда Фарғона туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг 2013 йил 10 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 25, 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан қўзғатилган жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилган, ишсиз, Фарғона тумани, Бўстон МФЙ, Бўстон кўчаси, 209-уйда яшаган Ҳакимов Назиржон Мамирджоновичга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28, 246-моддаси 2-қисми билан 57-моддаси кўлланиб, 7 йил, 273-моддаси 5-қисми билан 57-моддаси кўлланиб, 7 йил, 28, 223-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан 5 йил, 59-моддаси 3-қисмига асосан 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 2018 йил 7 июндаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган ҳолда унинг анкета маълумотларига аниқлик киритилиб, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг 2013 йил 10 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 25, 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан қўзғатилган жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилганлиги инобатга олинган ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги амнистия актига асосан ўталмай қолган жазо муддати учдан бир қисмига қисқартирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>2</sup>-моддасига кўра, суд мажлиси бошқа жиноят иши бўйича жазони ижро этиш муассасасида бўлган маҳкум Н.Ҳакимовнинг иштирокисиз ўтказилди.



Мазкур ҳукм билан Р.Игамбердиев, Н.Арзиқулов, О.Жамолов, Х.Бегалиев, Б.Ботиров, Н.Илҳомжонов, А.Нишонов ва А.Абдумаликовлар ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, Н.Хакимов олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига киришга иштирокчиликда далолат қилиб ёрдам бериш, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона назоратини четлаб, контрабанда йўли билан олиб киришга иштирокчиликда далолат қилиб ёрдам бериш ва кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш жиноятларини қуйидаги ҳолатларда содир этган.

Яъни, О.Жамолов 2016 йил февраль ойида Н.Хакимов билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, уни Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига 100 грамм миқдоридаги гашиш гиёҳвандлик воситасини контрабанда йўли билан олиб ўтиш бўйича далолат қилиб, унга буюртма бериб, Н.Арзиқулов берган 450 АҚШ доллардан 50 АҚШ долларини ўзида олиб қолиб, унга 400 АҚШ доллари берган.

Н.Хакимов ушбу буюртмага асосан дастлабки тергов давомида қисми алоҳида иш юритувга ажратилган Қирғизистон Республикасида яшовчи “Жамол” исмли шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикасига кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситасини контрабанда йўли билан келтириб беришлиги бўйича далолат қилиб, унга буюртма берган, ўз навбатида “Жамол” Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган Фарғона тумани Водил ҚФЙ, Бўстон кўчаси бошига 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини Н.Хакимов билан уяли телефон орқали гаплашиб, уни ёрдамида контрабанда йўли билан Қирғизистон Республикасидан олиб келиб, Н.Хакимовга 350 АҚШ долларига эвазига сотган, сўнг Н.Хакимов О.Жамоловдан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаси учун олган доллардан 50 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб, ушбу гиёҳвандлик воситасини уйда сақлаб, кейинчалик уйи олдида О.Жамолов билан учрашиб, унга контрабанда йўли билан олиб кирилган 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини берган, ўз навбатида О.Жамолов ушбу гиёҳвандлик воситасидан тахминан 10-15 граммни ўзини истеъмоли учун ўзида олиб қолиб, қолган қисмини Фарғона туманига “Ласетти” русумли 40 S 225 EA давлат белгили автомашинада келган Н.Арзиқулов ва Р.Игамбердиевларга ўтказган.

Бундан ташқари, О.Жамолов 2016 йил март ойида Н.Хакимовни Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига 100 грамм миқдоридаги гашиш гиёҳвандлик воситасини контрабанда йўли билан олиб ўтиш бўйича далолат қилиб, буюртма қилиб, унга Н.Арзиқулов берган 450 АҚШ долларни берган.

Н.Хакимов ушбу буюртмага асосан жиноий ҳаракатини давом эттириб, такроран, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли қисми алоҳида иш юритувга ажратилган Қирғизистон Республикасида яшовчи “Жамол” исмли шахс билан олдиндан тил



бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Қирғизистон Республикасидан ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситасини контрабанда йўли билан келтириб беришлиги бўйича далолат қилиб буюртма берган, ўз навбатида “Жамол” Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган Ўзбекистон Республикаси Фарғона тумани Водил ҚФЙ Бўстон кўчаси бошига 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини Н.Хакимов билан уяли телефон орқали гаплашиб, уни ёрдамида контрабанда йўли билан Қирғизистон Республикасидан олиб келиб, Н.Хакимовга 400 АҚШ долларига эвазига сотган, Н.Хакимов О.Жамоловдан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаси учун олган доллардан 50 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб, ушбу гиёҳвандлик воситасини уйда сақлаб, кейинчалик уйи олдида О.Жамолов билан учрашиб, унга контрабанда йўли билан олиб кирилган 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини берган. О.Жамолов ушбу гиёҳвандлик воситасидан 10-15 граммини ўзини истеъмоли учун ўзида олиб қолиб, қолган қисмини Н.Арзиқуловга ўтказган, ўз навбатида Н.Арзиқулов ушбу гиёҳвандлик воситасини Р.Игамбердиевга берган ва улар ўзаро ўзларини истеъмоли учун гиёҳвандлик воситасини бир қисмини олиб қолишган, шундан сўнг Р.Игамбердиев контрабанда йўли билан Ўзбекистон Республикасига кириб келган гашиш гиёҳвандлик воситасини 5 граммини 250.000 сўмдан, 15 граммини 100 АҚШ долларидан Фарғона вилояти худудида яшовчи тергов даврида шахслари аниқланмагани сабабли алоҳида иш юритувга ажратилган шахсларга сотиб келган.

Ҳимоячи З.Мадаминов тафтиш тартибидаги шикоятда, Н.Хакимовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги, айблаш учун далиллар мавжуд эмаслиги ҳақида важлар келтириб, суд қарорларини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Р.Зариповнинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи З.Мадаминовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантирмасдан, суднинг ҳукми ва апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд қарорларида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Н.Хакимовнинг эълон қилинган айбловга нисбатан муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятларни содир этганлиги судда ўзининг айбига қисман иқрорлик билдириб, жинойий ҳаракатларини фош қилувчи кўрсатувларидан ташқари, шу иш бўйича судланган Н.Арзиқулов ва О.Жамолов, гувоҳ Ш.Пазлиддиновнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек транспорт воситасини кўздан кечириш, шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари ва фото



иловалар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботлангани ҳамда унинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 28, 246-моддаси 2-қисми, 273-моддаси 5-қисми ва 28, 223-моддаси 2-қисми “б, в” бандлари билан тўғри квалификация қилингани ҳақида асосли хулосага келинган.

Тафтиш инстанцияси суди, ҳимоячи З.Мадаминовнинг тафтиш шикоятдаги, Н.Хақимовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги, айбланиш учун далиллар мавжуд эмаслиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, мазкур важлар ўзининг биринчи инстанцияси судидаги, бир йилдан буён наша гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келгани, 2015 йил декабрь-январь ойларида Қирғизистон Республикасида яшовчи “Шариф” исмли танишидан наша гиёҳвандлик воситасидан олиб, истеъмол қилиб юргани, Шарифни уйи қирғиз-ўзбек давлат чегара ҳудудида жойлашган бўлиб, ушбу жой Қирғизистон Республикасига кириши, одатда Дўнг кўча деб аталувчи, яъни Тоштепа кўчасидан чегара ҳудуди олдида бориб, Шарифдан нашани қабул қилиб олиши, шунда Шариф чегарани устидан Ўзбекистонга ўтмасдан унга нашани ташлаб берганлигини, сўнг ундан қабул қилиб олган бир маротаба 100.000 сўмлик, иккинчи маротаба 80.000 сўмлик наша хашагини гугурт кутисига солиб, кейинчалик сигарет қилиб чекиб юргани, маҳалласида яшовчи таниши О.Жамолов билан бир-икки маротаба биргаликда наша чекишганидан сўнг 2016 йил февраль ойи ўрталарида у ўзига чарс, яъни гашиш гиёҳвандлик воситаси кераклигини, Қирғизистонда яшовчи танишларидан келтириб беришлигини сўраганида бироз пул ишлаб олиш ниятида таниши Шарифдан чарс гиёҳвандлик воситасидан топиб беришини сўрагани, у эса Қирғизистон ҳудудида яшовчи “Жамол” исмли шахсни телефон рақамини бергани, ушбу рақамга қўнғироқ қилиб гаплашганида Жамол 350 АҚШ доллари эвазига 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини ўтказиб беришлигини айтгани, сўнг О.Жамоловдан 400 АҚШ доллари олиб, Бўстон кўчасининг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош қисмига чиқиб, Жамол билан кўришиб, ундан 350 АҚШ доллари эвазига 100 грамм гашиш моддасини олгани ва О.Жамолов билан уйи яқинроғида учрашиб, унга 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини бериб юборгани, хизмати эвазига ўзида қолган 50 АҚШ долларини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлагани, шунда Жамол чегарадан ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келиб, унга гашиш гиёҳвандлик воситасини сотиб қайтиб кетгани, бу ҳолатни амалга ошириш учун улар ўзаро уяли телефон орқали боғланиб, чегарачилар атрофда йўқлигини аниқлаб учрашишгани, орадан бир ой ўтиб, март ойи ўрталарида О.Жамолов ундан яна 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини Қирғизистон ҳудудидан тушириб беришлигини сўраб, 450 АҚШ доллари бергани, яна Жамол билан олдинги жойда учрашиб, 110 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини 400 АҚШ долларига сотиб олиб, шу куни О.Жамоловга бериб юборгани, хизмати эвазига ўзида қолган 50 АҚШ долларини шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани, лекин тақроран Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва кириш жиноятини содир этмаганлигини, балки ҳар сафар Қирғизистон фуқаролар билан ўзаро



уяли телефон орқали гаплашиб, атрофни кузатиб, гашиш гиёҳвандлик воситасини олиб келишлари юзасидан вазият бўйича ахборот бериб, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтишгандан сўнг гашиш гиёҳвандлик воситасини Ўзбекистон ҳудудида қабул қилиб, О.Жамоловга сотгани ҳақидаги;

судланган Н.Арзиқуловнинг биринчи инстанция судидаги, 10 йилдан буён наша ва гашиш гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб келгани, Р.Игамбердиев билан тахминан 30 йил олдин Фарғона шаҳар 3-сонли автокорхонада бирга ишлаганида танишгани, 2015 йил куз ойларида Р.Игамбердиев Қирғизистон Республикасидан гашиш гиёҳвандлик воситасидан олиб тушишни, устига пул қўйиб, танишларига сотишини, бир қисмини ўзаро бўлиб олишларини айтганида таклифига рози бўлиб, 2015 йил ноябрь ойига қадар “Аловуддин” орқали жами 4 маротаба 100-200 граммдан гашиш гиёҳвандлик воситасини олиб, Р.Игамбердиевга бергани, ҳар сафар Қодир билан ўзи гаплашиб, гашиш гиёҳвандлик воситасини 100 grammi учун 400 АҚШ долларида бериб келганлигини, Р.Игамбердиев устига пул қўйиб сотиб, тахминан 10 граммни бирга истеъмол қилиб келишгани, 2015 йил бошларида Кореяга одамларни ишлаш учун жўнатиш юзасидан Х.Бегалиев орқали О.Жамолов билан танишганлигини, ўшанда О.Жамолов унга Жанубий Кореяда ўзи ишлаб келганлиги учун Х.Бегалиев билан олдиндан таниш эканлиги ҳақида гапирганлигини, кейинчалик О.Жамолов гашиш гиёҳвандлик воситаси билан шуғулланишини, ўзи ҳам истеъмол қилишини, керак бўлса гашиш моддасидан топиш беришлигини айтгани, 2016 йил февраль-март ойларида ундан икки маротаба ҳар сафар 100 граммдан гашиш гиёҳвандлик воситасини 450 АҚШ долларида сотиб олганлигини, лекин О.Жамолов ушбу моддани кимдан олганлигини билмагани, О.Жамоловдан ҳар икки маротаба олган гиёҳвандлик моддаларини Р.Игамбердиевга берганлиги ҳақидаги;

судланган О.Жамоловнинг биринчи инстанция судидаги, 2016 йил январь ойи бошларида Н.Арзиқулов билан Фарғона туман марказида кўришгани, у Қирғизистон Республикасида яшовчи “Қодир” исмли поччаси борлиги, чегара яқинига гиёҳвандлик моддасини олиб келиб беришини, Қодирдан гиёҳвандлик моддасини олиб тушиб бериши эвазига 50 АҚШ доллари беришини айтганида, таклифига рози бўлмаганида ўзи гашиш топиб беришлигини сўрагани, рози бўлиб, 2-3 маротаба бирга гашиш истеъмол қилган Н.Хакимовга бу ҳақида айтгани, шунда Н.Хакимов гашишни 100 grammi 450 АҚШ доллари бўлишини билдиргани, бу ҳақда Н.Арзиқуловга айтганидан сўнг 2016 йил февраль ойида Водил қишлоғи марказидаги сойни бўйига келиб, унга 450 АҚШ доллари бергани, ушбу пулдан 50 АҚШ долларини олиб қолиб, қолган қисмини Н.Хакимовга бергани, орадан 2-3 кун ўтиб Н.Хакимов Бўстон кўчасида 100 грамм қора целлофан пакетга ўралган ҳолдаги гашиш гиёҳвандлик воситасини унга бергани, сўнг Н.Арзиқулов билан Хойжувоз деган жойда, яъни Фарғона-Шохимардон йўналишидаги катта йўлда кўришиб, гашишни автомашинада ўтирган Р.Игамбердиевга бергани, ўшанда уни олдида Н.Арзиқулов бўлгани, Р.Игамбердиев билан уларни Тошкентга олиб бориб келган Н.Арзиқулов таништиргани, кейин улар



жўнаб кетишгани, 2016 йил март оyi ўрталарида Н.Арзикулов 450 АҚШ доллари бериб, 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини топиб беришини сўраганида, пулни Н.Хакимовга олиб бергани ва орадан 2-3 кун ўтиб Н.Хакимов қора рангли целлофан пакетда 100 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини олиб келгани, Н.Хакимов ушбу воситаларни Қирғизистон Республикасидан олиб ўтганлигини олдиндан билгани, 2016 йил 10 апрелда яшаш хонадонида ўтказилган тинтув вақтида ётоқхонасидаги телевизор кўядиган столнинг тагида аниқланган қора рангли целлофан пакетга ўралган ҳолдаги гашиш гиёҳвандлик моддаси ҳам Н.Хакимов унга муқаддам сотган гашиш гиёҳвандлик воситаларидан ўзи истеъмол қилиш учун олиб қолган қисми бўлгани ҳақидаги;

гувоҳ Ш.Пазлиддиновнинг биринчи инстанция судидаги, 2016 йил 25 апрель куни МХХ Фарғона вилояти ходимларининг илтимосига кўра Н.Хакимовни Қирғизистон Республикаси фуқаролари бўлган “Шариф” ва “Жамол” исмли шахслардан гиёҳвандлик воситаларини сотиб олган жойларни кўздан кечириш ҳаракатларида холис бўлиб иштирок этгани, Н.Хакимов Фарғона туманини Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудларида гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан алоқа қилган жойларига боришиб, суратга олишгани, шу куни Н.Хакимов ўз сўзлари билан гиёҳвандлик воситалари юзасидан келишув олиб борган ҳудудларни ҳамда уларни сотиб олган ҳудудларни кўли билан кўрсатиб бергани, олиб борилган тергов ҳаракатлари, суратга олинган жойлар ва баённомалар уларни иштирокида амалга оширилгани, Н.Хакимов гиёҳвандлик воситаларини 2016 йилнинг февраль ва март ойларида Қирғизистон Республикаси фуқароси “Жамол” исмли танишидан сотиб олгани ҳақида билдиргани ҳақидаги;

кўшим гувоҳ А.Халиловнинг биринчи инстанция судидаги, Фарғона тумани ҳокимлигида туман ҳокимининг чегара масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаши, Н.Хакимов ва бошқаларга нисбатан юритилган жиноят ишини 2 жилд 24-28 бетларидаги судланувчи Н.Хакимов билан ўтказилган воқеа жойини кўздан кечириш ҳужжатлари, яъни чизма, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиққани, ушбу ҳужжатларга кўра Н.Хакимов гиёҳвандлик воситасини Қирғизистон Республикаси фуқаролари “Шариф” ва “Жамол” исмли шахслардан олган ҳудудлар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳисобланиши, ушбу ҳудудларда чегара сим ёки тўсиқлар билан ажратилмагани, фотосуратда чегара белгисидан сўнг ҳам яна 700 метр Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳисобланиши, кейин Қирғизистон Республикаси бошланиб, Қирғизистон Республикаси фуқароларининг уйлари жойлашгани ҳақидаги;

кўшим гувоҳ Қ.Дадажоновнинг биринчи инстанция судидаги, Фарғона тумани Бўстон маҳалла фуқаролар йиғинида раис бўлиб ишлаши, Н.Хакимов ва бошқаларга нисбатан юритилган жиноят ишини 2 жилд 24-28 бетларидаги воқеа жойини кўздан кечириш ҳужжатлари, яъни чизма, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиққани, ушбу чизмада кўрсатилган Бўстон кўчаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, у ерга чегара симлари тортилмагани, лекин Бўстон маҳалласидан чиқишда чегарани англатувчи



белги ўрнатилгани, у ерда ҳали Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида келишилмаган ерлар ҳам борлиги, лекин чизмада Н.Хақимов турган жой Ўзбекистон Республикасига кириши ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шунингдек, транспорт воситасини кўздан кечириш, шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш, ходиса жойини кўздан кечириш баённомалари ва фото иловалар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан рад қилиниши ҳақида хулосага келди.

Судлар Н.Хақимовга жазо тайинлашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилишини инобатга олиб, унинг шахсини, қилмишига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга тайинлаб, асосли хулосага келган.

Суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup>-моддасида, тафтиш инстанцияси суди жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантirmасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шунга кўра ҳамда Н.Хақимовга оид суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлиги аниқланганлиги сабабли, тафтиш инстанцияси суди, суд ҳукмини ва апелляция инстанцияси суди ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоятни эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига асосланиб, тафтиш инстанцияси суди

#### **ажрим қилди:**

Жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2016 йил 23 августдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 2018 йил 7 июндаги ажримининг Хақимов Назиржон Мамирджоновичга оид қисми ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоят қаноатлантirmасдан қолдирилсин.



Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Мамажонов

Ҳайъат судьялари

О.Мирсадиков

Р.Зарипов



Раислик қилувчи  
Ҳайъат судьялари

/имзо/  
/имзо/  
/имзо/

Б.Мамажонов  
О.Мирсадиков  
Р.Зарипов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят суди судьяси

Р.Зарипов

